

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АСКИЯ САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Дўсматов Ҳикматулло Ҳаитбоевич

аскияшунос олим, ФарДУ доценти, филология фанлари доктори (DSC)

Фаттоҳов Холмуҳаммад Хайруллоевич

ФарДУ тилишунослик кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Аския ҳажвий ҳарактердаги сўз қўллаш санъати, кўпталқинли нутқ ва сўз ўйинига асосланган ўзбек халқининг миллий жанри бўлиб асрлар давомида шаклланиб келмоқда. Аския дунё халқлари орасида ўзбек халқига хос бўлган миллий сўз санъати бўлиб, унинг кўпчилик иштирокида жонли ташкил этилиши бошқа халқларда учрамайди.

Калит сўзлар: Аския, ҳариф, миллий сўз санъати, лақаблар қўйиш.

Аския Ўзбекистонда нишонланадиган умуммиллий байрамлар, оммавий кўнгилочар томоша ва сайллар (катта ва тантанали сайр-томошалар), турли маданий тадбирларда эркаклар томонидан ижро этилади. Аския қилувчилар “аскиячилар”, “аскиябозлар”, “сўз усталари” дейилади. Аскиячилар аския санъати воситасида бир-бирига ҳазил-мутойиба, сўз ўйини қилишади. Тингловчи ва томошабинлар аскиячиларнинг сўз қўллаш маҳоратидан завкланиб қулишади. «Аския» арабча сўз бўлиб, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да белгиланганидек, «зийрак, ақлли, зехнли, қобилиятли» маъноларини ифодаловчи *закий* («زكّی») сўзининг кўплик шакли азкиё («ازکیّ») дир. *Азкиё* сўзи даврлар ўтиши билан фонетик жиҳатдан ўзгариб, *аския* кўринишига келган. Аскиянинг *зийраклар*, *закийлар* маъноси ўзбек мумтоз адабиётида сақланган, ҳозирги ўзбек тилида оғзаки ижод жанрининг номи сифатида қўлланмоқда. Аския – ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри бўлиб, унда сўз ўйинига, кочирикларга асосланган ҳолда икки ёки ундан ортик киши ёки тарафлар бир-бирига рақиб бўлиб мусобақалашади¹.

2. Ўзбекистоннинг номоддий маданий мерослари

Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига, “Бойсун маданий муҳити”, “Шашмақом мусиқаси”, “Наврўз”, “Катта ашула”, “Аския”, “Хоразм лазгиси” номзодлари Инсоният номоддий манадий мероси Репрезентатив рўйхатига, Усмон Қуръони, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар тўплами, Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари Жаҳон хотираси рўйхатига киритилган.

Аския Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида шаклланган ва тарқалган халқ кўнгилочар санъати ва ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри. 2014 йилда ЮНЕСКО Аскияни Инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритди (<https://ich.unesco.org/en/RL/askiya-the-art-of-wit-00971?>).

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2006. I жилд. –106 б. Кейинги ўринларда ЎТИЛ тарзида ёзилади.



2 Аскияни шакллантириш ва амалга оширишнинг ўзига хос талаблари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

2.1. Миллий кийим.

Аския ўзбек миллий сўз санъати эканлиги учун профессионал аскиячилар миллий кийимда сахнага чиқадиладар. Махсус миллий кийимлар қуйидагилар: тўн, дўппи, яктак, чорси.

2.2. Рақибларга бўлиниш.

Аския қилиш учун иштирокчилар бирдан ортиқ бўлиши керак. Икки киши бир-бирига қарши бўлиши ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб беллашиши мумкин. Аскиячилар тик турган ҳолатда ёки сўриларда (миллий мослама – каттароқ стол) ўтиришади ва бошқа сўрида ўтирганларга гап отиб, рақиблик қилишади. Шу тарзда бир-бирига қарши томонда туриб сўзловчилар “рақиб”, “ҳариф”, “тарафкаш” дейилади. **Ҳариф** – қарши томон (аския қилувчи), «рақиб»; аскиячи, ҳарф, тарафкаш.

Аскиячилик жараёнида ижрочиларнинг иштироки қуйидагича бўлади: а) икки кишидан иборат «рақиб»лар; б) жамоавий «рақиб»лар; в) жамоага қарши якка «рақиб»; г) якка ижрочи.

2.3. Рақиблар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиш.

Аскиячилар рақиблари тўғрисида маълумотларни билиши лозим. Масалан, бир-бирининг лақаби, камчилиги, қилган нотўғри ҳаракатлари, заиф томонлари ҳақида хабардор бўлиши ва аския жараёнида шуларга ишора қилиши юморни юзага чиқаради.

2.4. Лақаблар қўйиш.

Лақаб [арабча] бирор хусусиятига кўра, кишига ҳазил қилиб ёки масхаралаб берилган қўшимча ном² ҳисобланади.

Аскиячиликда лақаб ишлатиш ўйини анъана бўлиб, у аскиячининг шаънига путур етказиш мақсадида эмас, балки улардан беғараз кулги чиқариш мақсадида фойдаланилади³. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор айтганидек: «Аскияда бир илмоқ бўлмаса, кулгу чикмайди. Илмоқ худди шу лақабдир. Лақаблар баъзан кишининг жисмоний нуқсони (*кал, кўр, чўлоқ, кар, чўтир, бўқоқ*), баъзан характери, феъл-атворига қараб турли предмет, ҳайвонлар, паррандалар (*от, туя, эшак, мол, лайлак, эчки, ит, мушук, товук*) номи билан аталади. **Мисол:**

Машҳур ҳофиз Мамаюнус (лақаби «кал») дўсти Эрка қори (кўзи ожиз) билан поездда кетишаётганда уни аскияга тортиб, қори аканинг кўзи ожизлигига шама қилади:

Мамаюнус: Туринг, қори ака. *Кўр отга* келдингиз!

Эрка қори ёстиқдан бошини кўтарар экан, шошиб-пишиб купе деразасидан ташқарига қараган бўлди-да, дарҳол юзини Мамаюнус ака томон буриб деди:

Эрка қори: Ҳовлиқмай қолинг, Мамаюнус! *Шўртепа-ку!*

Юқоридаги матнда аскиячи жой номини англатувчи Кўрорт ва Шўртепа сўзларини сал бошқача талаффуз қилиб, суҳбатдошини мазах қилмоқда, яъни Кўрорт – «кўр от» (кўрлигига ишора), «шўртепа» (каллигига ишора). Агар аскиячи ёки тингловчи ушбу сўзларнинг маъносини шу заҳоти закийлик билан кўзи *ожиз*, *кал* маъноларида тушуниб етмаса, аскиянинг бутун моҳияти ўз қадрини йўқотади. Натижада, Мамаюнус аканинг маҳоратини ҳам, Эрка қорининг топқирлигини ҳам холисона баҳолай олмайди.

2.5. Алоҳида қобилиятга эга бўлиш ва маҳоратни ошириш.

Профессионал аскиячилар ноёб талантга эга бўлишади. Сўзга усталлик истеъдодини сахнада аския айтишга бағишлайдилар. Ўзбек халқи орасида бундай қобилиятлилар талайгина, лекин профессионал аскиячилар юздан ортиқ холос (Ўзбекистонда яшаб ўтган устоз аскиячилар

²ЎТИЛ. – Тошкент: ЎМЭ, 2006. II жилд. –492 б.

³Мухаммадиев Р. (*тўпловчи ва нашрга тайёрловчи*) Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Аския. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1970. –9-10 б.



назарда тугилган). Айни вақтда аскиячи сифатида сахнага чиқаётган машхур сўз усталари эса жуда озчиликни ташкил этади. Юздан ортиқ сўз усталари эса қизиқчилик йўналишида ижод қилиб, сахнага чиқмоқда.

Талантнинг асоси меҳнат ва машқ ҳисобланади. Сахнада тажриба ортириш, амалий машқлар аскиячилар учун жуда зарурдир. Чунки аския сўзловчининг сўз қўллаш маҳоратига боғлиқ санъат туридир. Аскиячи сўз қўллаш маҳоратини Ўзбекистондаги мавжуд аския ва қизиқчилик маҳорат мактабларида, тўғаракларда ва сахнада ошириб боради. Бирданига катта сахнага минглаб томошабинлар олдига чиқиб, ўзини ва гапларини йўқотиб қўймаслик учун анчагина машқ қилиш ва тажриба ортириш талаб этилади. Таниқли аскиячилар шу тариқа аскияни сахнада минглаб тингловчилар олдида ижро этадилар.

2.6. Аскиянинг тури ва мавзусини белгилаш.

Аскиянинг кириш қисми кулгили бўлмади, унда мавзу келишиб олинади. Пайров, “Тулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз?”, “Ўхшатдим” ва шу каби аскиянинг тури танланиб, унинг мавзуси белгилаб олинади. Масалан, пайров қилиш учун “Қушлар” мавзуси танланса, аскиячилар шу мавзу доирасида беллашиши, мавзудан четга чиқмаслиги шарт бўлади. Агар мавзудан четга чиқса, енгилган бўлади. Холмуҳаммад: Ҳикматулло.

Ҳикматулло: Лаббай, уста!

Холмуҳаммад: Мана, баҳор келиб, табиатимиз ўзгача қиёфага қиряпти. Бу ўзгаришлар одамларда, хаттоки қушларда ҳам намоён бўляпти. Шу қушлар пайровини қилсак, нима дейсиз.

Ҳикматулло: Жуда яхши бўлади-да, уста. Қушлар баҳонасида бир **майнавозчилик** қилсак, қилибмиз-да.

Холмуҳаммад: **Ҳакка**ламасдан, бошласангизчи.

Изоҳ: Бу пайров “Қушлар пайрови” деб номланади. Ушбу пайровда дастлаб қушлар мавзуси белгилаб олинди ва қушлар номи (*майна*, *ҳакка*)га ишора қилиб, *майнавозчилик*, *ҳаккаламасдан* сўзлари ишлатилди. Аския шу тарзда давом этаверади.

Ҳикматулло: **Ҳакка**ласам, хафа бўлманг тагин. **Мусича**дек беозор қалбингизга изтироб солиб қўймайлик.

Холмуҳаммад: Майли, ўзи шундоғам кўп озор беряпсиз. Пулингиз кўпайганиданми, **бой ўғлига** ўхшаб қолдингиз.

Изоҳ: *ҳакка*, *мусича*, *бойўғли* қуш номлари бўлиб, бу сўзлар билан аскиячилар бир-бирининг характерини ироник тарзда очиб бермоқдалар.

2.7. Аскиянинг турлари, тузилиши ва хусусиятларига оид билим, тушунчага эга бўлиш.

Аскиячилар аскиянинг турлари, уларнинг тузилиши ва хусусиятларини билишлари шарт саналади. Агар булар ҳақида аскиячида тушунча бўлмаса, аския бузилиши мумкин. Масалан, анъанавий бошланмали аскиялар бир хил қолибда бошланиб, бир хил қолибда давом этади.

Мисол:

Зайнобиддин: Афсона.

Охунжон қизиқ: Жон афсона!

Зайнобиддин: Мен келгунча ош қилиб қўй десам, қилмабсан-а.

Охунжон қизиқ: Афсона.

Зайнобиддин: Жон афсона!

Охунжон қизиқ: Гўшт-ёққа пул бермапсан-а!

Изоҳ: «Афсона» ёки «афсана» деб аталувчи аскиянинг ушбу турида микроматнлар учта гапдан иборат бўлади. Биринчи, иккинчи гап анъанавий бошланма ҳисобланади ва нутқда ҳар гал такрорланади. Сўзловчининг мақсади охириги гапда баён этилади. Учинчи гапда *сўроқ* маъносидан кўра, *танбех*, *таажжуб* маъноси ифодаланади. «Афсона»нинг асосий хусусияти



диалогик нутқда сўз ўйини қофия услубида олиб борилади. Нутқ танқидий мазмунда бўлади, «рақиб»нинг камчиликларини фош қилишга хизмат қилади.

2.8. Аскияни мусобақа, беллашув шаклида олиб бориш.

Аския сўзга чечан, ҳозиржавоб, ҳазил-мутойибага мойил, топқир ва бадихағўй кишиларнинг бир-бири билан сўз ўйини қилишига асосланган беллашув, зеҳнлар синови ҳисобланади⁴. Аския беллашувида юмор яратиш ва бир-бирини мот қилиш муҳим саналади. Рақиблар навбат билан бир-бирига гап билан ҳужум қилади ва бир-бирини мот қиладилар. Аскиянинг шу хусусиятини шахматга ўхшатиш мумкин. Яъни аския ва шахмат ақлий мусобақа саналади. Тилдаги сўзлар миқдори шахматдаги доналар ва катаклар каби санокли бўлса-да, аскиядаги сўз ўйинлари комбинацияси шахматдаги комбинациялар сингари чексиздир. Аскияда ҳам шахматдаги сингари хилма-хил юришлар қилинади, рақибларига кутилмаган зарбалар беради ва бир-бирини мот қилади.

2.9. Ҳозиржавоблик ва сўзга чечанлик.

Ҳозиржавоблик аскиянинг муҳим шартини саналади. Ҳозиржавоблик нутқий вазиятда топқирлик билан фикр юритишдир. «Рақиб» ҳужумига ўринли, ҳажвий ва тез жавоб қайтаришдир. **Мисол:** Атоқли рус шоири Владимир Маяковский политехника институтига учрашувга боради. У ерда нутқ сўзлаётди:

– Мен руслар орасида ўзимни рус деб ҳис қиламан, грузинлар орасида эса грузин... – дейди.
Шу пайт:

– Аҳмоқлар орасида-чи? – деб бақиради кимдир залдан.

– Аҳмоқлар орасида биринчи бор бўлишим, – деб жавоб беради шоир ўша заҳотиёқ.

2.10. Тайёргарликсиз турли хил ҳолатларга тайёр туриш.

Аскиячилар кшпинча сахнага аския қилиш учун тайёргарликсиз чиқишади. Танланган мавзу, нутқ вазияти ва фикр ривожига қараб аския қиладилар. Аскиячи агар рақибларига муносиб жавоб қайтармаса, тўхталишлар бўлса, рақибдан енгилади. Шунингдек, рақиблар ҳажвий усулда бир-бирини обрусизлантиришлари мумкин. Шундай вазиятларда аскиячилар бир-биридан хафа бўлмасликлари лозим.

2.11. Сўз қўллаш талабларига амал қилиш.

Аския ва пайровларда сўз қўллаш билан боғлиқ ўзига хос талаблар бўлади: 1. Сўз ўйинига амал қилган ҳолда беллашиш. 2. Пайров мавзусини ёритишда мавзуга доир сўз ва атамаларни қўллаш, мавзу доирасидан четга чиқмаслик. 3. Ҳозиржавоблик. 4. Фикрлар давомийлиги, ўзаро боғланган баёнга амал қилиш. 5. Сўзлар ёрдамида бирдан ортиқ ахборот, мазмун ифодалаш. 6. Сўз, ибора ва гапларнинг нутқдаги имкониятларини кўрсата билиш. 7. Томошабинларни кулдириш.

2.12. Мавзу доирасидан четга чиқмаслик.

Аскиянинг пайров тури муайян танланган мавзу доирасида олиб борилади. Мавзудан чиққан аскиячи аския талабларини бузган ҳисобланади. Бунинг учун мавзуга доир атамаларни қўллаш ва сўз ўйини қилиш лозим бўлади. **Мисол:**

Исҳоқжон: Жуда содда гап қиласиз-да!

Ғанижон: Бўлмаса, сиз ёйиқ гапга кўнасизми?

Исҳоқжон: Келинг, бировнинг кўчирма гапига можаро қилиб ўтирмайлик, яна сизнинг феъллингиз бузилиб қолмасин.

Ғанижон: Қизиқсиз-а, менинг феъллим ҳар нарсага бузилаверадими? Нима, менинг феъллим ўтган замон феълмиди!

⁴Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. –Toshkent: Musiqa, 2010. –315-319 b.



Изоҳ: Нутқда тилшунослик терминлари (*содда гап, ёйиқ гап, кўчирма гап, феъл, ўтган замон феъли*) воситасида сўз ўйинлари қилинган.

2.13. Гапни ҳазил-мутойиба, кулгили шаклга айлантириш.

Аскиячиларнинг яна бир қобилияти шунда намоён бўладики, улар ҳар бир гапдан ҳажв яратадилар. **Мисол:**

Кунларнинг бирида мусиқа машқи ўтказиладиган хонага дуторчи қизлар ансамбли иштирокчиси Санобар Каримова биринчи бўлиб келибди. «Қизлар келишмадимми?» – деб сўрабди Устози Ғанижон Тошматовдан. Табиатан аскиячи бўлган Ғанижон ака шу заҳоти табассум қилиб: «Келишгани келишди», – деб жавоб берибди.

Изоҳ: Санобархон саволидаги «келиш» сўзидан Ғанижон ака жуда унумли фойдаланган. Яъни Фарғона водийсида бир шахсга нисбатан кўплик шаклда фикр билдириш мулоқот одати ҳисоблангани боис «келишган» сўзида *-иш* кўшимчасининг битта Санобархонга нисбатан қўлланилиши ҳам меъерий ҳолат саналади. Бу ўринда «келишган» сўзи «келган» маъносидан ташқари чиройли қиз, яъни «келишган қиз» мазмунида ҳам қўлланган. Бу билан қизнинг саволига устоз Ғанижон чиройли лутф билан жавоб берган. Мулоқотда қизнинг «келишган»лиги – қадди-қомати чиройли, хушбичим экани таъкидланди ва қизга «йўқ» деб ҳам жавоб берилмади. Чунки мулоқот одобига кўра, катта авлод вакиллари, умуман, савол берувчига «йўқ» сўзини ишлатишдан ўзларини сақлашга уринганлар. «Келишгани келишди» гапидаги мазмунни англай олмайдиган одам учун контекст тушунарсиз бўлиши мумкин. Лекин сўзларнинг нутқдаги имкониятларини пайқайдиган тингловчи уларнинг мулоқотидан бениҳоя лаззат олади, ўзбек тилининг ифода имкониятига қойил қолиб, сўз устасининг сўздан фойдаланиш маҳоратига таҳсинлар ўқийди».

2.14. Бадиҳагўйлик, сўз ва гапларни бир-бирига боғлаш.

Одатда, аскияда портловчи кулги фикр – жумла сўнгида амалга оширилади. Шунинг учун портлаш эффектини юзага чиқариш учун тингловчини унга тайёрлаш лозим бўлади. Яъни рақибнинг кутилмаган зарбасига жавоб бериш учун бирданига кулгили гапни гапирмай, асосий портловчи сўзни эсда сақлаб туриб, рақиб гапини маъқуллагандай ёки инкор эта бориб, жумлани давом эттириш лозим бўлади. Гапни узокдан бошлаб, бир неча жумлалар тузиб, тингловчиларни кулгига тайёрлаб, ҳажвий контекстни яратгач, матн сўнгида кулгили гапни айтиш катта аҳамиятга эга бўлади. **Мисол:**

Махсум ака: Ҳамма кучимизни далага сафарбар қилганмиз. Кўпчиликнинг этаги бор, фақат табелчининг дафтарида *баъзилар этаксиз* чиқиб қоляпти, холос.

Ғанижон: Махсум ака, бунинг сабаби бўлса керак, баъзилар ишониб юргандир-да, *этак сизда* деб.

Изоҳ: Ҳар икки аскиячи ҳажвий сўзларни жумланинг сўнгида қўллаган. Тингловчилар гапнинг охирини эшитгач, бирдан кулишади. Натижада кулги авжига чиқади.

2.15. Талаффузи ўхшаш сўзлардан фойдаланиш.

Сўз ўйини қилишнинг кенг тарқалган турларидан бири талаффузи ўхшаш сўз (пароним)лардан унумли фойдаланишдир. **Мисол:**

Турсунбува: Мамарозиқнинг пишишига яна ўн беш кун бор. Ҳозир мана бу Махсум ака билан гаплашгим бор. Махсум акани боққа олиб кириб, қайсинисидан олиб берай: ундан олиб берайми, бундай олиб берайми, *қандайдан* олиб берай, деб сўрасам, ҳеч қайсисига унамайдилар, *узум* тузук дейдилар.

Изоҳ: Мисол “Боғбончилик” пайровидан олинган. Бунда аскиячилар боғбончилик, мевалар ҳақида сўз ўйини қилганлар. Турсунбува ўз нутқида *қандай* (сўроқ олмоши) сўзи билан қандак деган ўрикнинг бир турига ва *ўзим* (ўзлик олмоши) сўзи билан узум мевасига ишора қилган.



2.16. Кўчма маъно ва ишора (пресуппозиция)ларни фахмлаш.

Ҳажвий характердаги сўз қўллаш санъати ҳисобланган аскияда кўпталқинли нутқ ва сўз ўйинига жуда катта эътибор берилади. Ишора аскияда энг кўп қўлланувчи ҳодиса саналади. Аскиячилар нутқида бирдан ортиқ ахборот ифодаланиши шарт бўлиб, сўз усталари ўз фикрини очиқ айтмай, бир вақтнинг ўзида сўзларни контекстда ўз маъносида ва кўчма маънода қўллайдилар, натижада ишора юзага чиқади. **Мисол:**

Ёдгор ака: Яхшимисиз, Муқаддасхон?

Муқаддасхон: Келинг, Ёдгор ака, мен қишлоқда яшайман, деб кўринмай кетдингиз?

Ёдгор ака: Нур қидириб юрибмиз-да.

Муқаддасхон: Опа-сингилларингиз тинчми?

Изоҳ: бу ўринда диалогик нутқда бир қарашда соф сўроқ гаплар асосида нутқ шакллантирилгандек. Лекин контекстда «Муқаддас», «Мен қишлоқда яшайман», «Нур қидириб», «Опа-сингиллар» бадий асар номлари бўлиб, аскиячи бир пайтнинг ўзида ана шу асар номларига ҳам ишора қилиб, сўз ўйинини юзага чиқарган. Агар шу ишоралар бўлмаса, матн аллюзив шаклда бўлмаса, аския ҳисобланмайди.

2.17. Қочиримларни тушуниш.

Аския сўз ва жумлалардаги тагдор кесатик, истехзо, пичинг, писанда, мазах, шамаъ ва бошқа юморга мойил ранг-баранг кўчма маъноларни илғаб олиб, унга муносиб жавоб топа билишдан иборат сўз санъатидир⁵. Қочирим – бирор кимса, нарса, воқеа ва шу кабиларга ишора қилиб айтилган рамзли гап, шама; қочирик, истехзо, киноя, пичинг, кесатик. **Мисол:**

Турсунбува: Унақа бўлса, пахта терганлар олдиға қоқ қуруқ борасиз, ё кассирмисиз!

Изоҳ: бу ўринда ишчиларнинг ойлигини вақтида бермайдиган кассир ироник тарзда тилга олинган.

2.18. Тагмаъноларни англаш.

Аскиячилар нутқи ўзининг прагматик жиҳатлари билан ажралиб туради. Аскиячилар тингловчи фахмлаши ва кулиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, нутқни имплицит тарзда ифодалаши лозим. Шарқона сўз санъати анъаналарига хос «коса тагида нимкоса» тарзида билдирилган нутқ рус тилшунослигида «матн ичидаги матн» – «подтекст»⁶ атамаси билан номланади.

Аския, даставвал, сўзнинг ботиний, тагмаъносини топишга қаратилган. Кейинчалик сўз ўйини асосига қурилган жанр сифатида шаклланган. Тагмаъно – ботиний баён, яширин ахборот. Аскиячилар нутқи кўп ҳолларда тагмаъноли бўлади. **Мисол:**

Хотин: Сизга теккунча, алвастига тегсам бўлмасмиди?

Эр: Афсуски, якин қариндошлар ўртасида никоҳ манъ этилган.

Изоҳ: бу ўринда турмушидан афсусланган хотинини турмуш ўртоғи ҳазил қилиб, алвастига ўхшатган.

3. Аскиянинг анекдот ва қизикчиликка ўхшаш томонлари, фарқли белгилари

Аския ўзбек фольклоригагина хос жанр. Бу жанр бошқа халқлар фольклорида учрамайди. Шу жиҳатига кўра аския ўзбек фольклорининг жанрлар тизимида алоҳида диққатни тортади ҳамда ўзбек фольклорининг ўзига хос таркибини белгилайди⁷. Эркин Воҳидов ҳам шаклдош сўзлар санъати туюқ ҳамда аския, сўз ўйини санъати халқимизга хослигини алоҳида таъкидлайди⁸. Бироқ ҳар бир халқда ҳазил-мутойиба, айтишув, аския мавжудлигини инкор этмаслигимиз

⁵ Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. –Toshkent: Musiqa, 2010. –315 b.

⁶ Сильман Т.И. Подтекст как лингвистические явление // ФН. 1969. №1.

⁷ Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. –Toshkent: Musiqa, 2010. –315 b.

⁸ Эркин Воҳидов Сўз – забаржад, сўз – гавҳар, олтин. Асарлар. IV жилд. – Тошкент: Шарқ, 2016. –287 б.



лозим. Масалан, қозоқ ва қирғиз халқларида «айтис» жанри, европа халқларидаги интермедиялар ҳозиржавоблик билан ижро этилади. Баъзан латифаларда аскияга ўхшаш вазиятлар ҳам учрайди (*пешка ходит е 2-е 4; он ходит едва, едва – шахмат ўйинидаги энг кичик сипоҳ е 2 хонасидан е 4 га юради, биз назарда тутган одам эса зўрга-зўрга юради*). Аммо аския бошқа халқларда муайян хусусиятларга эга алоҳида жанр сифатида учрамайди. В.Г.Белинский тўғри таъкидлаганидек: «Халқнинг фикрлаш ва ҳис этиш тарзида ҳам миллий хусусият намоён бўлиши керак». Ўзбек аскияси бошқа халқларнинг оддий ҳазил-мутойибасидан фарқ қиладиган муҳим жиҳати шундаки, у миллий жанр сифатида санъат даражасига кўтарилган ҳамда халқаро миқёсда тан олинган.

Юмористик матн сифатида аскиянинг анекдотга қуйидаги ўхшаш жиҳатлари бор: *оғзакилик* (аския ва анекдот аксарият ҳолларда оғзаки шаклда мавжуд бўлади), *оммавийлик* (аския, анекдот жамоатда, кишилар даврасида айтилади), *театраллик* (аския, анекдотни ҳикоя қилиб бера олиш баъзан актёрлик маҳоратини кўзда тутари), *синтетизм* (аския, анекдотларда оғзаки ва ёзма ижодиёт ҳамда ижро санъатининг хусусиятлари бирлаштирилади), *комизм* (аския, анекдотнинг асосий мақсади – кўнгил очиш, завқлантириш).

Анекдот аскиядан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади: *умумий тарқалганлик* (анекдотлар ҳар бир маданиятда кенг тарқалган бўлади, аския ўзбек халқи орасида тарқалган), *назоратсиз пайдо бўлиш ва тарқалиш* (анекдот ўз-ўзича яралади ва тарқалади, аския сўз усталари (профессионал ва ҳаваскор аскиячилар) томонидан ижод қилинади), *вариативлик* (анекдот матнлари доимий қайд этилмаган ва маълум омиллар таъсирида мунтазам ўзгариб туради, аския матнларида маълум даражада барқарорлик мавжуд бўлади), *анонимлик* (одатда анекдот муаллифи номаълум, профессионал сахнавий аскиянинг муаллифи аниқ).

Аскияга хос қуйидаги жиҳатлар анекдотда кўзга ташланмайди: *мусобақалилик* («рақиб»лар бир-бирини мот қилиш учун беллашади), *сахнавийлик* (аския сахнада ижро этилади), *махсус тур ва кўринишларга эгаллик* (аския ўзига хос шаклий-ифодавий турларга эга), *гендер хусусиятга эгаллик* (аския асосан эркаларнинг ижро санъати – «эркаклар ҳаммоми»), *сўз ўйини, кўпталқинли шарҳга эгаллик* (матн кўп маънолилик, парономазия, шаклдошлик, амфиболия, аллофрония асосида шакллантирилади), *миллий-маданий ўзига хослик* (аския миллий тафаккур маҳсули, миллий жанр).

Аскиянинг қизиқчилик билан қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд:

№	Хусусиятлар	Аския	Қизиқчилик
1.	Ҳозиржавоблик, экспромт	+	–
2.	Олдиндан тайёргарлик	–	+
3.	Монологик нутқ шаклига хосланганлик	–	+
4.	«Рақиб»ларнинг мавжудлиги	+	+ –
5.	Нутқий баҳс, беллашув	+	+ –
6.	Диалогик, полилогик нутқ шаклига хосланганлик	+	+ –
7.	Сўз ўйинига асосланиши	+	+ –
8.	Ижрочининг кулгуси	+	–
9.	Мурожаат бирликларининг кенг қўлланиши	+	–

Академик шоир Ғафур Ғулумнинг «Эллик тўрт қиротли «Терешкова» бриллиантидай ҳар қиррасида етти ранг офтоб товланиб турган халқимиз ижоди энига, бўйига, юксаклигига,



чўнқирлигига, ўнгига, чапига унча-мунча кишининг зехни етмайдиган даражада бой»⁹ дир деган сўзлари халқимиз оғзаки ижоди, хусусан, аския каби закийлик санъатига нисбатан айтилгани бежиз эмас.

Халқимий закий бўлганлиги боис аския (азкиё, яъни закий, зарофат, нозиктаъб) сўз санъати ҳам айнан халқимиз орасида пайдо бўлиб, равожланган ва санъат даражасига кўтарилган. Кулги кўзғатувчи сўз ва қочиримлар, ҳозиржавоблик ва закийликни намоён этувчи сўз ўйинлари, ҳазил-мутойибалар, аския ва пайровлар юз йиллар мобайнида ҳаётий тажрибалар негизида яратилган. Аския ва пайровлар инсон тафаккурининг ҳозиржавоблиги, зехни ўткирлиги, ақл-идрок ва донолигини билдиради, унинг негизида сўз ўйинлари, қочириклар, чандишлар, киноялар, муболағалар ётади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Dusmatov, H., & Husaynova, M. (2023). O 'ZBEK LATIFALARIDA SO 'ZO 'YINLARINING USLUBIY-PRAGMATIK XUSUSIYATLARI. *Farg'ona davlat universiteti*, (2), 94-94.
2. Dusmatov, H. H. (2023). DIFFERENT FORMS OF SPEECH AND WORD GAMES CHARACTERISTIC OF ARTISTIC ARTS THEIR TYPES.
3. Khaitboevich, D. K. (2023). Stylistic Functions of Puns in Advertising Texts. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(6), 19-23.
4. Дусматов, Х., & Фаттоҳов, Х. (2023). Сўз ўйинлари–Лингвостилистик Тадқиқот Обьекти. *Miasto Przyszłości*, 35, 113-116.
5. Mahliyo, S., & Do'smatov, X. (2023). About Some Phonostylistic Features of Amateur Speech. *Texas Journal of Philology, Culture and History*, 18, 18-21.
6. Mahliyo, S. (2023). QIZIQCHILAR NUTQIDA UCHROVCHI LEKSIK BIRLIKLARNING SEMANTIK JIHATLARI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 3(2), 139-142.
7. Dusmatov, H., & Husaynova, M. (2023). МЕТОДОЛОГО-ПРАГМАТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ИГРЫ В СЛОВА В УЗБЕКСКИХ АНЕКДОТАХ. *Scientific Journal of the Fergana State University*, (2), 94.
8. Дусматов, Х., & Фаттоҳов, Х. (2023). “ОЛТИН БЕШИК” ВА “САНГИ ОИНА” РИВОЯТЛАРИ: ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТЎҚИМА. *Scientific progress*, 4(2), 200-208.
9. Soliyeva, M. (2022). QIZIQCHILAR NUTQINING LINGVOSTILISTIK XUSUSIYATLARI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(12), 641-645.
10. Saydulloyevna, H. N., & Do'smatov, X. H. (2022). Ingliz Va O'zbek Tilida Subyektiv Baho Ifodalanishining Usul Va Vositalari. *Miasto Przyszłości*, 30, 85-87.
11. Дусматов, Х. (2022). ҚИЗИҚЧИЛАР НУТҚИДА СЎЗ ЎЙИНЛАРИ ИФОДАЛАНИШИ. *Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования*, 1(24), 27-31.
12. Xaitboyevich, D. H. (2022). ABOUT SOME LINGUISTILISTIC FEATURES OF THE TEXT OF UZBEK NATIONAL ANECDOTES. *Gospodarka i Innowacje.*, 27, 56-59.

⁹ Ф.Фуллом. Танланган асарлар. – Тошкент, 2012.

